Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№35 (384)
2020 йил 12 май, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# ҲАР БИР КЕЧИККАН ЙИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ 10 ЙИЛ ОРҚАГА ТОРТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилинди. Президентимизнинг Олий Мажлисга шу йил январда йўллаган Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди.

Рақамли технологияларнинг нақадар муҳимлигини бугунги пандемия шароити ҳам яна бир бор исботлади. Таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатишнинг ҳаммаси рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ экани яққол кўриниб қолди. Йиллар давомида масофадан кўрсатилмаган хизматлар саноқли кунларда онлайн шаклга ўтказилди.

Экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади.

Шу боис, жорий йил 28 апрелда «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди. Ҳужжатга мувофиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган яхлит тизим яратилди. Жумладан, «Электрон ҳукумат», иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, IT парклар ташкил этиш ва уларни бошқариш каби вазифалар тўлиқ вазирлик ваколатига ўтди.

Шу билан бирга, қарорда янги лойиҳаларнинг молиявий манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. «Электрон ҳукумат» доирасида 1,3 триллион сўмлик 104 та лойиҳа, иқтисодиётнинг реал секторида 5,3 триллион сўмлик 87 та лойиҳа, телекоммуникациялар борасида 15,1 триллион сўмлик 35 та, аграр соҳада 24 та, IT парклар бўйича 18 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади, деб таъкидлади.

Хизматларни рақамлаштириш борасидаги ҳозирги аҳвол таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, давлат идораларида мавжуд 700 дан ортиқ ахборот тизимларининг атиги 30 фоизи «Электрон ҳукумат» тизимига уланган. Давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идоранинг атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлигига интеграция қилинган.

Президентимиз вазирлик ва идораларда ахборот технологияларини қўллаш даражасига қараб ундаги раҳбарларнинг ойлик мукофот пулини ошириш ёки камайтириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига давлат идоралари маълумотлар базасини таснифлаб, уларни идоралараро интеграцион платформага улаш, электрон ҳамкорликнинг ягона технологик талабларини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Пандемия таъсирини инобатга олиб, энг зарур бўлган давлат хизматларини тезкор равишда электрон шаклга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт картаси, электрон шифохона ҳамда шошилинч тиббий ёрдам тизимларини жорий этиш, ижтимоий нафақалар ҳисобини юритишга мўлжалланган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»ни жорий йил якунига қадар ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Давлат солиқ қўмитасига савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини онлайн назорат касса машиналарига ўтказиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировка қилиш ҳамда электрон ҳисоб-фактура тизимини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Келгуси беш йилда саноат корхоналарида ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига таннархни ўртача 13-15 фоизга пасайтириш мумкин.

Транспорт вазирлигига темир йўлларда юк ташиш ҳамда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти хизматлари тўлови учун автоматлашган тизимларни ишга тушириш, барча транспортларга ягона электрон билет жорий этишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳон банки ҳисоботига кўра, кенг полосали интернет тармоғини 10 фоиз кенгайтириш эвазига ялпи ички маҳсулотни камида 1 фоиз ўстириш мумкин.

Жорий йилда оптик толали алоқа қамровини мактабгача таълим тизимида 41 фоиздан 100 фоизга, халқ таълимида 40 фоиздан 70 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасида 38 фоиздан 100 фоизга етказиш вазифаси белгиланган. Бу кўплаб қишлоқларни интернет тармоғини улаш имконини беради. Шу боис, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ижтимоий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш, тезкор мобиль интернет қамровини йил якунига қадар 90 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда мавжуд серверлар тўлиб бораётгани, соҳадаги 300 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш учун 10 баробар кўп қувватли серверлар зарурлиги қайд этилди. Ахборотларни қайта ишлайдиган марказларни кўпайтириш, хорижий кредитлар жалб этиб, лойиҳа қиймати 30 миллион долларлик «дата центр» қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ахборот технологиялари қишлоқ хўжалиги, ерни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишда ҳам жуда қўл келади. Масалан, ерни космик зондлаш орқали экин майдонлари, вегетация жараёни, ернинг мелиоратив ҳолати ва минераллашув миқдорини ўрганиш мумкин. Бу агротехник тадбирларни аниқ белгилаб, ҳосилдорликни 25-30 фоизгача ошириш имконини беради.

Мутасаддиларга ер майдони ва сув ҳисобини юритишнинг электрон тизимларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришдан тортиб, сотувгача бўлган жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда ахборот технологиялари соҳасида 60 минг киши меҳнат қилмоқда. Йиғилишда бу етарли эмаслиги таъкидланиб, соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга, энг аввало, маҳаллий технопарклар резидентларини жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Келаси ўқув йилида «1 миллион дастурчи» лойиҳасига 47 минг нафар ўқувчини қамраб олиш, соҳага замин яратиш учун мактабларда 7-синфдан бошлаб дастурлаш асосларини ўқитишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасаддилар соҳадаги чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот берди.

**ЎзА.**



# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов қозоғистонлик ҳамкасби Асқар Мамин билан Туркистон вилояти Мақтаарал туманидаги Мирзакент посёлкасида бўлишди.**



Ҳукумат раҳбарлари Мақтаарал туманининг сув босган ҳудудларини кўздан кечириб, тошқин оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишишди.

Мақтаарал туманининг маъмурий маркази – Мирзакент қишлоғида Қозоғистон ва Ўзбекистон Бош вазирлари янги микрорайон қурилишининг режаси билан танишиб, биринчи турар жой биноларининг пойдеворини қўйиш маросимида иштирок этишди.

Мирзакент посёлкасида тошқиндан жабр кўрган Зенис, Жанатурмис ва Достик аҳоли пунктларида 500 оила учун якка тартибдаги турар жойлар, мактаб, болалар боғчаси ва тиббиёт марказларини қуриш режалаштирилган. Қурилиш ишлари Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси мутахассислари томонидан биргаликда амалга оширилади.

**Интернет хабарлари асосида.**

# Сардобада электр таъминотини тиклаш ишлари давом этмоқда

**Бағрикенглик, инсонпарварлик қон-қонимизга сингиб кетган туйғулардир. Бугун ватандошларимиз ана шундай синовли кунларда ўзаро жипслашиб, талафот кўрган юртдошларимизга беғараз ёрдамларини кўрсатмоқдалар. Техноген фалокатдан жабр кўрган сирдарёликларга ёрдамга ошиқмаган ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмалари, қўйингки, бирон киши қолмади, десак муболаға бўлмайди.**



Хабарингиз бор, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан бугунги кунда Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ҳамда Мирзаобод тумани ҳудудларида табиий офат натижасида электр энергиясида вужудга келган узилишларни тиклаш, турли даражадаги техник авариявий ҳолатларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда Фарғона, Наманган, Андижон, Хоразм, Самарқанд ва бошқа вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ходимлари бу борадаги ишларга жалб этилиб, махсус техникалар ёрдамида шикастланган электр тармоқларини реконструкция қилиш, яроқсиз ҳолга келганларини алмаштириш бўйича фаолиятни узлуксиз давом эттирмоқдалар.

Хусусан, Оқолтин туманининг табиий офат натижасида талафот етган «Шодлик» МФЙ аҳолисини электр энергияси билан таъминловчи 10 кВли «Истиқлол» ҳаво тармоғи ҳамда сув босиш натижасида яроқсиз ҳолга келган «А.Таиров» нимстанциясида тозалаш ҳамда яроқсиз электр ускуналарини янгисига алмаштириш ишлари амалга оширилди.





(Давоми 2-бетда)

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№35 (384) 2020 йил 12 май

# Сардобада электр таъминотини тиклаш ишлари давом этмоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



Айни пайтда тумандаги «Саховат» маҳалласи ҳудудидан ўтган 7,21 км 10 кВли ҳаво тармоқлари ҳамда 110/35/10 кВли «Тинчлик» нимстанциядан чиқувчи 10 кВ кучланишли Истиқлол ҳаво тармоғида жойлашган 10-0,4 кВли ҳаво тармоқлари кўздан кечирилиб, камчиликлар бартараф этилиши натижасида маҳалладаги 813 та хонадондан 623 тасига кучланиш берилди. Қолган 190 та истеъмолчининг хонадонларида ҳаво тармоғидаги ва хонадон ичидаги узилишга сабаб бўлган муаммоларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

Умумий ҳисобда айни пайтгача ҳудуддаги 20 дона трансформатор, узунлиги 71,8 км бўлган электр узатиш тармоғи қайта тикланди ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди.

Шунингдек, Сардоба туманининг катта қисмини электр энергияси билан таъминловчи «Янги ҳаёт» подстанциясида дастлабки тозалаш ва таъмирлаш ишлари тугатилиб, шикастланган электр ускуналари тўлиқ кўрикдан ўтказилди ҳамда мазкур подстанциядан чиқувчи 10 кВли «Табассум» ҳаво тармоғида қуввати 160 кВА ва 250 кВАли трансформатор пунктлари ўрганилди. Бундан ташқари, «Дўстлик» маҳалласи ҳудудидаги 10 кВли «Мактаб» ҳамда «Ғофур Ғулом» ҳаво линияларидаги шикастланган электр тармоқлари кўрикдан ўтказилиб, яроқсиз электр тармоқлари демонтаж қилинди ҳамда тозалаш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, тумандаги «Дўнгариқ», «Янгийўл» МФЙлари ҳудудидаги хонадонлар офат натижасида электр энергиясидан узилиб қолган эди. Туман электр таъминоти корхонаси малакали мутахассислари саъй-ҳаракати билан бу ерда 4 та трансформатор пункти таъмирланди. Шунингдек, «Ҳақиқат» МФЙ аҳолисини қайта электр энергиясига улаш мақсадида 35/10 ПС «Тошкент» 10 кВли «Дўнгариқ» ҳаво тармоғига қўшимча 1,8 км узунликдаги ҳаво тармоғи монтаж қилинди. Натижада мазкур маҳалла аҳолиси тўлиқ электр энергиясига қайта уланди.

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан олиб борилган амалий ишлар натижасида шу кунгача 12 000 дан ортиқ истеъмолчининг тармоққа қайта уланиши таъминланди.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА

**Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Tuzkon hotel» масъулияти чекланган жамияти Чорбоғ маҳалласида сайёҳлар учун замонавий хостел барпо этди.**

# Тоғ қўйнида янги хостел қад ростлади



Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ мураккаб шароитда бошқа соҳалар сингари туризм йўналишида ҳам ишлар карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда давом этаётир. Жумладан, жанубий воҳада янги меҳмонхона, хостел ва меҳмон уйлари, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи шохобчалар қурилишида ишлар тўхтагани йўқ.

– Пандемия бутун дунё туризм соҳасига катта зарар келтирмоқда, – дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи З. Намозов ЎзА мухбири Х. Маматрайимовга. – Бу инқироз бошқа давлатлар қатори мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаётир. Давлатимиз раҳбари шундай оғир вазиятда туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектларга тегишли имтиёзлар берди. Улар йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилди. Ижтимоий солиқ ставкаси ҳозирги 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Кўрсатилаётган бу каби эътибор туризм соҳаси тадбиркорларини рағбатлантириб, хавфли инфекция бартараф этилгач уларнинг янада самарали фаолият юритишига хизмат қилади.

Тоғли ҳудудда қад ростлаган янги хостел бир вақтда 20 меҳмонни қабул қилиш қувватига эга бўлиб, сайёҳлар учун барча замонавий шароит яратилган. Кўркам бино ишга туширилиши билан 4 нафар чорбоғлик аҳоли бандлиги таъминланди.

# Қурилиш индустрияси: **инновацион ривожланишга эришилмоқда**

**Мамлакатимизда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш, экспортга йўналтирилган, энг муҳими сифатли ва рақобатбардош материалларни ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш, шунингдек, янги корхоналарни ташкил этиш орқали иш ўринларини яратиб ва бунинг натижасида аҳоли фаровонлигини яхшилашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилаётгани эътиборга молик. Ва табиийки, соҳага қаратилаётган бундай катта эътибор самарасида аҳолини арзон ва сифатли қурилиш моллари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш географиясини кенгайтиришга эришилмоқда.**



Қурилиш материаллари саноатида илмий-тадқиқотларни олиб бориш, инновацион ечимлар асосида янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнларида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар ва уларнинг ижобий самаралари ҳақида билиш мақсадида биз «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бошқаруви раисининг Илм-фан ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор Азизбек Баҳодиров билан суҳбатда бўлдик.

**– Азизбек Абдулазизович, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жараёнларида илм-фан ва илмий-тадқиқот ютуқларидан самарали фойдаланиш борасида уюшма томонидан қандай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти?**

– «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашга бугунги кунга қадар жами 31 та инновацион технологияларни жорий этиш ва янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар келиб тушган. Ҳозирда мамлакатимизда коронавирус пандемияси даври давом этаётганини ҳисобга олган ҳолда ушбу лойиҳалар билан ишлаш жараёнлари онлайн тарзда олиб борилмоқда. Бунга яқинда «JITSI MEET» дастури асосида онлайн видеоконференция шаклида ўтказилган йиғилишни мисол қилиб келтирсак бўлади. Илмий-техникавий Кенгаш томонидан ҳозирга қадар жами 19 та лойиҳа илмий-техникавий муҳокамадан ўтказилди. Инновацион ривожланиш вазири раислигида ўтказилган йиғилишда эса 7 турдаги инновацион қурилиш материалларини яратишга оид лойиҳалар тавсия этилди ва жорий йилнинг апрель ойидан ушбу инновацион лойиҳаларнинг молиялаштирилиши бошланди. Албатта, ишлаб чиқариш жараёнларида халқаро тажриба ҳам кенг ўрганилиб, чет эллик инвесторлар ва мутахассислар билан узвий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. 2020 йилнинг март ойида эса япониялик ҳамкорлар билан биргаликда инновацион хомашё асосида том ёпма материалларининг янги, инсон саломатлиги учун мутлақо зарарсиз бўлган турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, асбест ўрнига куралон қўшимчасидан фойдаланган ҳолда асбестсиз шифер тайёрлаш бўйича «Қизилқумцемент» АЖнинг ишлаб чиқариш ускуналари негизида дастлабки тажриба-синов ишлари муваффақиятли амалга оширилди.

**– Ишлаб чиқариш жараёнларида илм-фан ютуқларини кенг қўллаш ўз самарасини беради. Шу нуқтаи назардан айтингчи, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар амалиётга қай даражада самарали жорий этилмоқда?**

– Уюшма таркибидаги корхоналарда ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб келинади. Бугунги кунга қадар 20 тадан ортиқ илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ҳамда қурилиш соҳасида фаолият олиб борувчи корхоналарнинг 100 дан ортиқ лойиҳалари танлаб олинган. Эътиборлиси, улар янги турдаги юқори самарадор инновацион қурилиш материаллари, истиқболли энергия самарали, энергия тежайдиган ва импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ва технологияларини ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, танлаб олинган 43 та лойиҳа уюшма таркибидаги корхоналарга ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тақдим этилди. 2019 йилда янги турдаги, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларидан гулқоғоз (обой), суюқ гулқоғоз, золоблок, газоблок, пеноблок, полистролблок, композит (асбестсиз) шифер, ўтга чидамли ғишт, юмшоқ том ёпқич материаллари, иссиқлик изоляциялаш материаллари ва маҳсулотлари, жумладан, базальтли, минералли, тошдан олинган, базальтдан арматура, базальтдан тола, базальтдан сетка, фрита, яъни кафелларга ранг беришда ишлатиладиган хомашё, декоратив бўёқлар, мозаикалар, улар тошли, шишали ва керамикали, спорт линолеуми, маиший линолеум, шиша толаси, шиша толасидан сетка, гидроизоляция материаллари, геотекстиль, геомембрана, бентонит мат, яъни тўшама, геосетка, георешетка, геокомпозитлар ўзлаштирилган ва улар бугунги кунда корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

**– Истеъмолчи ўзига зарур бўлган қурилиш материалларини харид қилар экан, аввало унинг таннархи ва сифатига эътибор қаратади. Қурилаётган биноларнинг мукаммал ва пишиқ бўлишида айнан яхши танланган сифатли, чидамли қурилиш молларининг ўрни ва аҳамияти катта. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилувчи органлар билан қандай ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган ва улар томонидан назорат ишлари қай тартибда олиб борилмоқда?**

– Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан истеъмолга йўналтирилаётган қурилиш материаллари аввало ички бозор учун мўлжалланган бўлса-да, уларни экспортга чиқариш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бозорбоп маҳсулотларнинг сифати аввало юқори бўлиши зарурлиги давр талаби. Қурилиш жараёнлари қанчалик мушкул вазифа бўлмасин, барпо этилаётган объектлар йўп йиллар давомида аҳолига сифатли ва самарали хизмат қилиши керак. Қурилиш моллари ишлаб чиқаришда халқаро бозор талабларини кенг ўрганган ҳолда ана шу тизим ҳам мамлакатимизда босқичма-босқич татбиқ этиб келинмоқда. Маҳсулотларнинг сифати ва меъёрий стандартлари ҳам доимий назоратда. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида халқаро стандартларни таҳлил қилиш ва соҳага татбиқ этиш бўйича «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган бўлиб, ушбу ҳамкорлик натижасида, бугунги кунга келиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 340 та халқаро стандарт қабул қилинди. Булардан ташқари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғида республикамиздаги амалдаги стандартлар инвентаризация қилинди. Унга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада 547 та халқаро (минтақавий), 110 та давлат стандартлари, 20 та хорижий давлатларнинг миллий стандартлари мавжудлиги аниқланди. Ушбу стандартлардан 91 таси халқаро стандартлар билан уйғунлашган. Самарасиз, эскирган стандартлар эса буткул бекор қилинди. Шуни қўшимча қилиш кераккки, уюшма томонидан «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда қурилиш материаллари соҳасидаги 542 та халқаро стандартни қабул қилиш бўйича тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибидаги 192 та экспортёр корхона ва ташкилотларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ISO 9001, ISO 14001, ISO 50001 менежмент тизимларини жорий этиш бўйича мутасадди идоралар билан келишилган ҳолда «Йўл харита»си ижроси доирасида бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинган бўлиб, улар асосида ишлар олиб борилмоқда.

**– Ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий хорижий техника ва технологияларни татбиқ этиш, албатта ўзининг самарасини беради, бироқ, бу борада ана шу технологияларни кенг қўллай оладиган, билимли ва малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади. Бу йўналишда қандай ишлар бажарилмоқда?**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги қарори билан тасдиқланган 2019-2020 ўқув йилида республикамиздаги олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларига кўра, саноатнинг қурилиш материаллари тармоғига мутахассислар тайёрлаш бўйича 17 та таълим муассасаларида жами 2 230 та квота ажратилди. Уларнинг 570 таси грант бўлса, 1 660 таси контракт асосидаги квоталардир. Шунингдек, ушбу қарорга кўра, қурилиш материаллари тармоғига мутахассислар тайёрлаш учун сиртқи таълим шаклига 11 та таълим муассасаларида контракт асосида 1 000 та, 15 та таълим муассасасига магистратура мутахассисликларига эса 243 та грант асосидаги квота ажратилди ҳамда 2019 йилда қабул жараёнлари амалга оширилди.

Ёшларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини шакллантириб боришда ташкил этилаётган турли танлов ва кўргазмалар, анжуманларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги академияси билан ҳамкорликда «Ёнғинга чидамли қурилиш материаллари яратишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари» мавзусида республика илмий-амалий анжуман ва инновацион қурилиш материаллари кўргазмаси ўтказилди. Шунингдек, 2019 йил якунида Тошкент архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорликда «Инновацион қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари» мавзусидаги III Республика илмий-амалий семинари ҳам иштирокчилар учун жуда фойдали бўлди. Семинар институт талабаларини илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб қилиш, илмий фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш ва самарадорлиги оширишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Анжуман якунида талабалар, магистрантлар ва ёш олимлар иштирокида ўтказилган «Қурилиш материаллари бўйича энг яхши инновацион ишланма» танловида эса 10 нафар ғолиблар аниқланиб, улар уюшма томонидан беш миллион сўм миқдоридаги пул мукофотлари ва фахрий ёрлиқлар билан рағбатлантирилди.

**– «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг фаолиятини ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада қандай алоқалар йўлга қўйилган?**

– Биргина 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги академияси билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми, «Яшнобод инновацион технопарки» ДУК билан ўзаро англашув меморандуми, Беларусь Миллий Фанлар Академияси, Беларусь давлат технологик университети ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ўртасида ўзаро тўрт томонлама халқаро ҳамкорликка оид меморандум имзоланган. Тошкент архитектура-қурилиш институти, «ЎзқурилишматериаллариЛИТИ» илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ўртасида ўзаро уч томонлама ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар имзоланган бўлиб, ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда бугун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «ЎзқурилишматериаллариЛИТИ» илмий-тадқиқот ва инжиниринг марказида янги композит материаллар ва инновацион кимё технологиялари асосида қурилиш материалларига оид тадқиқотларни амалга оширадиган лабораторияни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтининг «Стром» илмий-тадқиқот ва синов маркази билан ҳамкорликда ишлар бошланган ва 2020 йил якунига қадар ушбу лаборатория фаолиятини йўлга қўйиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 7 январь куни қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда тизимга инновацион технологияларни кенг жорий этиш ва қурилиш материаллари саноати корхоналари билан олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида илмий-тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар натижаларини юқори қўшилган қийматли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Булардан ташқари, Давлатимиз раҳабарининг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг таълим сифатини оширишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорликда йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ўқув семинарлари ўтказилди.

**– 2020 йилнинг «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» номидан келиб чиққан ҳолда, инновацион таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизими борасидаги ишларни нималарда кўришимиз мумкин?**

– Жамиятимизнинг барча бўғинларида рақамли иқтисодиётни жорий этиш долзарб вазифа. Айниқса, ишлаб чиқариш жараёнларида илм-фан ютуқлари, инновацион ечимлар, илмий, илмий-тадқиқот лойиҳаларининг кенг қўлланилиши ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, иқтисодиёт ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Ушбу ҳамкорлик самарасини эса биз биргина электрон тарзда алоқага киришилиб, соҳадаги мавжуд муаммо ва тегишли масалаларни онлайн вебинар дарслар орқали ташкил этишга эришдик. Бу жараёнга олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятли, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган профессор ўқитувчиларнинг иштироки таъминланмоқда. Айтиш керакки, бу каби онлайн вебинар дарслар олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг мутахассислари учун ғоятда қулай бўлиб ҳисобланади, жалб этилган тажрибали олимларнинг эса ўз асосий иш жойидан узилмаган ҳолда иштироки таъминланади.

**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири**
**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА**
**суҳбатлашди.**

# Синовли дамларда ғамхўрлик

**Мамлакатимизда коронавирус пандемияси сабабли жорий этилган карантин даври давом этмоқда.**

Ушбу синовли кунларда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан республикамизнинг барча ҳудудларидаги темир йўл транспорти тизими корхоналарида фидойилик билан меҳнат қилаётган касб эгаларини ушбу вирусдан асраш учун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудудларида истиқомат қилаётган темир йўл транспорти тизимида узоқ йиллар меҳнат фаолиятини олиб борган ва ҳозирда ижтимоий ҳимояга ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд касб эгалари учун зарур бўлган бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари беғараз етказиб берилди.

– Давлатимиз, халқимиз бошига тушган бу синовли, мураккаб шароитда боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд ҳамда турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолган темирйўлчиларга ёрдам қўлини чўзиш, уларга ғамхўрлик қилиш инсонийликнинг олий қадриятидир, – дейди Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Кутлимурод Собиров. – Шу мақсадда мутахассисларимиз билан бирга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ана шу тоифадаги темирйўлчиларнинг оиласи аниқланди ва уларнинг хонадонига бориб, санитария, гигиена қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда озиқ-овқат тўпламлари тарқатилди, ҳолидан хабар олинди.

Таъкидлаш керакки, ушбу ғамхўрлик тадбири давомида икки минг нафарга яқин эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат тўпламлари етказиб берилди. Бу саховатли ташаббус Рамазон ойи ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами шукуҳи давом этаётган шу кунларда амалга оширилаётгани, пенсионерларга, имконияти чекланганларга, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд темирйўлчиларга бўлган ғамхўрлик ифодасидир. Шубҳасиз, бу эътибор уларни ҳаётга шукроналик, касбига фидойилик, келажакка умид ва ишонч билан яшашга ундаб туради.

**Республикамизда кейинги йилларда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, Навоий вилояти ҳокимлиги ва тижорат банклари билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалар доирасида бир неча турдаги қурилиш материаллари бўйича ички талабни тўлиқ қоплаш ва экспортга ушбу маҳсулотларни сотиш имконига эга бўлган ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Ана шу қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланилаётгани ва энергия тежамкор технологиялар ҳисобига қурилиш материаллари таннархининг барқарорлиги таъминланмоқда.**

# Мармар тошини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи давомида «Ўзмиллийбанк» ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси билан биргаликда Ғозғон шаҳарчасида табиий тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича йирик кластерни ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича топшириқ берилган эди. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан «Uzbuildinvest» МЧЖ ва «Ўзмиллийбанк» томонидан «НБУ Газган Инвест» МЧЖ махсус инвестицион компаниялари ташкил этилди ҳамда бир қатор халқаро молия ташкилотларининг кредит линиялари жалб қилинди.

Замонавий кластерни ташкил этишнинг биринчи босқичи доирасида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «Ўзмиллийбанк», яъни «НБУ Газган Инвест» МЧЖ ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида умумий қиймати 52 млн АҚШ доллари бўлган 14 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, ушбу лойиҳалар 2020 йил якунига қадар ишга туширилиши режалаштирилган. Эътиборли жиҳати, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 850 та янги иш ўрни яратилади.

Ҳозирги кунда «Мармаробод» МЧЖга тегишли 2 та Пашшот ва Паргат конларида ушбу янги ускуналар ёрдамида гранит тошларни тросс-каната усулида қазиш ишлари бошлаб юборилган. Шу кунгача 12 000 куб метр гранит тошлари қазиб олинди. Замонавий кластерни ташкил этиш учун сўнгги русумдаги ускуналар Хитой давлатидан келтирилди. Унинг йиллик қуввати 70 минг куб тош қазиб олиш ва 1,2 млн квадрат метр тошни қайта ишлашга мўлжалланган. Ускуналар ҳам завод ичида монтаж қилинмоқда. Ушбу ишларга Хитой давлатидан малакали ходимлар жалб қилинган бўлиб, маҳаллий мутахассисларга мавжуд ускуналардан оқилона фойдаланиш, айниқса, тошларни замонавий қазиш усуллари ўргатилмоқда.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**


## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани, «Янгилик» МФЙдаги 6-сонли умумтаълим мактабини (624 ўқувчи ўринли мавжуд бинони таъмирлаш) қайта таъмирлаш | 3 575 564 139 | 114 |
| 2. | Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, «Карвак» ҚФЙдаги 4-сонли умумтаълим мактабини (330 ўқувчи ўринли бино қурилиши, 624 ўқувчи ўринли мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш) қайта таъмирлаш | 5 339 526 365 | 116 |
| 3. | Хоразм вилояти, Хонқа тумани, «Олажа» МФЙдаги 50-сонли умумтаълим мактабини (464 ўқувчи ўринли мавжуд бинони таъмирлаш) қайта таъмирлаш» | 2 446 356 372 | 111 |
| 4. | Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги 28-сонли умумтаълим мактабини (630 ўқувчи ўринли бино қурилиши) қайта таъмирлаш | 3 894 728 879 | 114 |
| 5. | Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги 3-сонли умумтаълим мактабини (840 ўқувчи ўринли бино қурилиши) қайта таъмирлаш | 5 052 348 378 | 116 |
| 6. | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Н. Кубро кўчасидаги 16-сонли умумтаълим мактабини (330 ўқувчи ўринли бино қурилиши, 960 ўқувчи ўринли мавжуд бинони мукаммал таъмирлаш) қайта таъмирлаш | 6 021 311 090 | 116 |
| 7. | Хоразм вилояти, Шовот тумани, «Катқалъа» ҚФЙдаги 45-сонли умумтаълим мактабини (120 ўқувчи ўринли бино қурилиши) қайта таъмирлаш | 1 462 777 963 | 106 |
| 8. | Хоразм вилояти, Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмасини (250 ўринли мавжуд поликлиника биносини қайта таъмирлаш) қайта таъмирлаш | 2 881 363 815 | 127 |
| 9. | Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус омборини (махсус омборнинг уч қаватли биноси қурилиши) қайта таъмирлаш | 3 566 496 898 | 127 |

**Буюртмачи:** Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

**Тел.:** (62) 223-09-29.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишида танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 23 май куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

**Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 25 май куни, соат 11.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.



## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан киритилган қуйидаги объектлар бўйича**

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич қиймат млн сўм, ҚҚС билан | Қурилиш ишларини тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, «Оқибат» МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент тумани суди биносининг қурилиши | 6 778 246 158 | 130 кун |
| 2. | Тошкент вилояти, Чиноз тумани Маъмурий суди ва Жиноят ишлари бўйича суд биноси қурилиши | 6 529 526 138 | 120 кун |

**Буюртмачи:** Тошкент вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

**Тел./факс:** 71- 231-27-35.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон/факс:** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**E-mail:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uzмахсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта)лар очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали.



## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси**

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Боғот туманидаги «Тўпчи» ва «Маданият» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 5 185 413 614 | 180 |
| 2. | Боғот туманидаги «Олтин қум», "Гулшан» ва «Нурлимаскан» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 2 537 889 324 | 120 |
| 3. | Боғот туманидаги «Қипчоқ» ва «Ўзбекистон» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 5 488 772 314 | 180 |
| 4. | Боғот туманидаги «Кўнабирлашув», «Янгиқадам» ва «Саховат» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 5 689 842 773 | 180 |
| 5. | Гурлан туманидаги «Жалойир» ва «Пахтакор» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 2 975 506 250 | 150 |
| 6. | Гурлан туманидаги «Шанғи» МФЙда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 3 569 132 652 | 180 |
| 7. | Гурлан туманидаги «Болдоқли», «Бўзқалъа», «Мевазор» ва «Дўстлик боғи» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 6 034 658 387 | 180 |
| 8. | Қўшкўпир туманидаги «Кўктом», «Полвон» ва «Зарбдор» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш | 1 815 297 352 | 150 |
| 9. | Урганч туманидаги «Анжирчи» МФЙда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 2 159 278 874 | 150 |
| 10. | Урганч туманидаги «Қиёт» ва «Киллавут» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 2 194 748 026 | 150 |
| 11. | Хазорасп туманидаги «Бешта» ва «Тўртта» МФЙларда ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 3 282 770 461 | 150 |
| 12. | Хазорасп туманидаги «Шехлар» МФЙдаги ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 2 742 234 180 | 150 |
| 13. | Хонқа туманидаги Марказий СТИдан «Гулистон» ва «Мустақиллик» МФЙларнинг СТИгача магистрал сув қувурини қуриш | 6 138 815 448 | 180 |
| 14. | Хонқа туманидаги «Мустақиллик» ва «Катта куч» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 4 863 775 250 | 180 |
| 15. | Хонқа туманидаги «Дўстлик» ва «Паҳлавонлар» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 3 146 572 632 | 180 |
| 16. | Хива туманидаги «Оқ ёп» МФЙда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 4 720 226 188 | 180 |
| 17. | Шовот туманидаги «Қўшкўпир» ва «Тўқманғит» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 2 625 636 505 | 180 |
| 18. | Шовот туманидаги «Ипакчи», «Қумёп» ва «Арбоблар» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 4 068 675 551 | 180 |
| 19. | Шовот туманидаги «Олтин қалъа» ва «Қиёт» МФЙларда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 1 432 953 254 | 120 |
| 20. | Шовот туманидаги Марказий сув тарқатиш иншоотидан Моноқ ичимлик сув тарқатиш иншоотигача магистрал ичимлик сув тармоғини қуриш | 7 727 656 672 | 180 |
| 21. | Янгиариқ туманидаги «Шеробод» МФЙда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 3 162 273 065 | 180 |
| 22. | Янгиариқ туманидаги «Вакиллар» МФЙда ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 2 872 470 831 | 180 |
| 23. | Янгибозор туманидаги «Хайват» ва «Халқобод» МФЙларда ичимлик сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 4 119 714 229 | 150 |
| 24. | Янгибозор туманидаги «Жайхун» МФЙда ичимлик сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 2 810 815 030 | 180 |
| 25. | Янгибозор туманидаги «Ширинлар» ва «Боғолон» МФЙларда ичимлик сув тизимлари қурилиши ва реконструкцияси | 4 420 247 914 | 180 |

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Буюртмачи:** «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 21 май куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

**Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 22 май куни, соат 11.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.**

# Ғалаба боғида шод кезар руҳлар

## (Генерал Собир Раҳимов ва содиқ сафдошлари хотирасига)

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил ёзида Олмазор туманида Ғалаба боғи барпо этиш юзасидан кўрсатмалар бериб, бу боғ халқимизнинг Ғалабага қўшган ҳиссасини намоён этиши, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлигини абадийлаштириши, Иккинчи жаҳон уруши муҳити, ватандошларимиз қатнашган жанглар ҳақида маълумотлар акс этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.**



Бу дориломон кунларни раҳматли отам кўрганида эди...

Курраи заминни ларзага келтирган Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Эшбек бувамнинг тўрт ўғли иштихонлик тенгдошлари қатори жангга кетди. 1941 йил июнь ойида Самарқандда зудлик билан ташкил этилган «Ўзбек дивизияси» сафида Суннатилла, Омон, Исмон амакиларим ва эндигина 19 ёшни қаршилаётган отам Усмон Эшбековлар кўнгиллилар қатори фронтга отланган.

Тўрт ўғлини қайта кўриш бувамга, отани сўнгги манзилга кузатиш шу ўғлонларига насиб этмаган...

Уруш балоси не эканини гўдакликдан ҳис этиб улғайганмиз. Ўнг қўлининг ярмидан жудо бўлиб келган отам тинчлик, осойишта ҳаёт қанчалик бебаҳо неъматлиги ҳақида гапирганида шундай дориломон кунларни кўрмай кетган акалари, сафдошларини эслаб, кўзлари ёшланарди...

Тошкентдаги Мустақиллик майдонида урушдан қайтмаган собиқ жангчилар хотирасига ўрнатилган улкан китобларда раҳматли амакиларимнинг зарҳал ҳарфлар билан ёзилган муборак исм-фамилиясини ўқиган чоғим кўзимдан шашқатор ёш оқаверади.



1943 йил адоғи ва 1944 йил бошларида отам ва акаси Исмон амаким ногирон ҳолда кўкси орден-медалларга тўлиб қайтиб келган. Асли касби ўқитувчи бўлган отам уруш туфайли ёпилиб қолган қишлоқдаги мактабни қайтадан очган ва узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия беришда давом этган. Уруш даври ва ундан кейинги йиллари қашшоқлик гирдобидаги мамлакат иқтисоди, қишлоқ хўжалигини тиклаш ишларидан четда турмаган отам бошқа соҳаларда ҳам фаолият кўрсатган.

«Ўзбек дивизияси» ҳақида эшитганларимни болалик шуурим билан унча тушунмагандим. Севимли санъаткоримиз, истеъфодаги полковник Икромжон Бўроновдан шу ҳақда сўрадим. Саксонинчи баҳорини қаршилаган Икромжон ака ўша суронли дамлар ҳақида шундай деди:

– Урушнинг дастлабки кунлари Самарқандда генерал Миркомил Миршаропов бошчилигида «Ўзбек дивизияси» ташкил этилганини яхши биламиз. Ўзбек ўғлонлари кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида кўп китоблар ёзсак арзийди. Афсуски, шу кунга қадар ёзилганлари жуда кам... Фронтнинг олд қисмига ташланган «Ўзбек дивизияси»да жанг қилган отамнинг айтганлари хотирамда жонлана бошланди. Бу дивизия Сталинград жангларида фашист газандаларининг додини бериб, урушда туб бурилиш ясашга катта ҳисса қўшган. Тиш-тирноғигача қуролланган йиртқичларнинг «тишини синдирган» азамат жангчиларимиз фронтнинг қоқ ўртасидан вазият ўзгаришга ва фашист-босқинчиларини чекинишга мажбур қилишган!

Афсуски, қақшатқич жангларда «Ўзбек дивизияси» жуда кўп талафотлар кўрган. Сўнг, анча камайиб қолган аскарларини бошқа қисмларга қўшиб юборган экан. Отамларнинг ротаси Собир Раҳимов қўмондонлик қилаётган 37-гвардиячи ўқчи дивизияси таркибида жангни давом эттирган.

– Ўзбек жангчилари ғурурланадиган қўмондонимиз Собир Раҳимовни кўпинча оддий аскарлар орасида кўрардик, – деб хотирларди отам. – У киши ҳар қандай вазиятда ҳам вазминлик ва мулоҳазакорлик билан иш тутарди. Энг оғир дамларда ҳам аскарларга ғамхўрлик кўрсатарди. Ўзининг шижоати ва қатъий иродаси билан ҳаммага руҳий тетиклик бахш этарди. «Бир қадам ҳам ортга чекиниш йўқ!» деган шиор қўмондонимизнинг қандай мардона қадам ташлашини кўрсатар эди. Унга ўзи қатъий амал қилар, шу тариқа минглаб аскарларни ортидан эргаштирар эди.

Хотиралар кўз ўнгингизда жонлана бошлайди. 1902 йилда туғилган Собир Раҳимов ота-онасидан эрта етим қолгач, Тошкентдаги қариндошлари қўлида вояга етган. Болалигидан чиниққан, эпчил ва чапдаст йигит орзуси зобит бўлиб, Ватанига садоқат билан хизмат қилиш эди. 1922 йили армия сафида хизмат қила бошлаган кезлари ниятига етган бўлса ажабмас. 1922-1925 йилларда Бокудаги ҳарбий мактабда таҳсил олгач, Самарқанддаги ўзбек отлиқ дивизиясида ҳарбий фаолиятини бошлаган. Йиллар давомида армия сафларида чиниққан ўзбек ўғлони Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар полковник унвони билан масъул лавозимларда ишлаган. 1941 йил июль ойида у танк дивизияси таркибидаги моторлаштирилган полк командирининг ўринбосари эди. Унинг полки июль ойи бошларида биринчи марта жангга кирган.

Қирғинбарот жангларда мард ва жасур командир ҳарбий маҳоратини кўрсатиб, душманнинг кўп режаларини чиппакка чиқарарди. Кучли моторлаштирилган техникага эга фашистлар қора қўланкадек бостириб келишда давом этарди. Ўзбек қўмондони эса жангчиларини олға бошларди. Қарши ҳужум душманни саросимага соларди. Қақшатқич жангларда фашистлар бир неча бор чекинишга мажбур бўлган, бироқ, яқин атрофда портлаган мина Собир Раҳимовни ярадор қилган.

– Ростов шаҳри атрофида жанглар қаттиқ бўлганди, – дея чуқур тин олиб сўзларди отам. – Ўшанда полкимиз душманнинг катта қисмини асир олгани сира ёдимдан чиқмайди. Уларнинг 30 та танки, 17 та тўп ва 30 пулемёти, 250 та ҳарбий машинаси, анжом-аслаҳалари қўлга киритилганди. Ўшанда Собир Раҳимов ва кўплаб жангчилар турли орден ва медаллар билан тақдирланган эдик. Ҳаммамизга туғишган акамиздек қадрдон бўлиб қолган Собир Раҳимов 1942 йил ёзида дивизия командири этиб тайинланди. Ўзбек ўғлонининг жанговар салоҳияти, саркардалик қобилиятига яраша берилган бу вазифа биз учун шараф эди. Шундай ғурур билан жангга кириб, уч ой орасида душманнинг 8 минг аскар ва офицерини қириб ташлаганимиз ҳақида фронт газеталарида ҳам мақолалар ёритилган эди. Собир Раҳимов бошлиқ дивизия Краснодар йўлидаги душман мудофаасининг 3 линиясини босиб ўтиб, шаҳар озод этилишига улкан ҳисса қўшгани катта воқеа бўлган. 1943 йил март ойида Собир Раҳимовга генерал-майор унвони берилганида барча ўзбек аскарлари жуда фахрланган. Шу тариқа полкимиз жангчиларини ардоқлаб «Раҳимовчилар» деб атайдиган бўлганди. «Раҳимовчилар» энг қийин шароитларда зафар қозониш рамзи бўлиб қолганини барча эътироф этарди. Оддий халқ ичидан чиққан ва ҳаммага бениҳоя меҳрибон инсон Собир Раҳимов ҳар бир аскар учун туғишган оға-инидек бўлиб қолган эди. Уруш пайти жангчиларга руҳ ва мадад берадиган куч – шу меҳр ришталари бўлган. Биз Собир ака тимсолида ўзбекнинг ҳақиқий ғururини, матонатини кўрардик ва ундан ўрнак олишга интилардик. Белорусь тупроғида кечган жангларимизда генерал-майор Собир Раҳимовнинг ҳарбий саркардалик маҳоратига маршаллар тан бергани ҳақида эшитиб, ғурурланардик. Бу ғурур катта куч бағишлар ва фақат ғалабага ундарди.

– 1945 йил 26 март куни генерал-майор Собир Раҳимовнинг жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида машъум хабарни эшитганда туғишган жигаргўшамиздан айрилгандек йиғладик, – дея хотирларди отам. – Ғалабага эришиш арафасида қаҳрамонларча ҳалок бўлган қўмондонимиздан жудо бўлиш нақадар оғир эди. Кўз ўнгимда ўзбек генераллари ҳамон савлат тўкиб тургандек туюлаверади. Фақат шунча қаҳрамонлик кўрсатган генерал-майор Собир Раҳимовга нега қаҳрамонлик унвони берилмаганини тушунмасдик. Унга ҳатто маршаллик унвонини беришса ҳам арзирди... Шукрки, она шаҳри Тошкентда дафн этилган ўзбек генералига вафотидан 20 йил ўтиб бўлса-да Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Отам қачон Тошкентга келса албатта Собир Раҳимовнинг маҳобатли ҳайкали қошида узоқ ўйга чўмиб ўтирарди. Собиқ қўмондонини зиёрат қилиш асносида у билан руҳан «дардлашаётгандек» бўларди. Гоҳо отамнинг кўзларида шашқатор ёшларни кўриб эзилиб кетардим...

1995 йили отажонимни сўнгги манзилга кузатдик...

Орадан кўп ўтмай урушда «темир генерал» деб ном қозонган Собир Раҳимов ҳайкали негадир олиб ташланганида юрагим дарз кетганди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан генерал Собир Раҳимов ҳайкали Олмазор туманидаги тарихий жойига қайтарилганида жуда енгил тортдим.

Бугунги кунда ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг маҳобатли ҳайкали атрофида барпо этиладиган Ғалаба боғи муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланади, албатта. Бу гўшада улуғ қўмондони билан ёнма-ён раҳматли отам каби халқимизнинг қаҳрамон ўғлонлари руҳлари шод бўлишига ишонаман.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**«Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси.**



***Катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида «Матонат мадҳияси» деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.***

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)*

# Илҳақ момо берган сабоқлар

**Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳамаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон...**

**Зулфия момонинг ана шу беш азамат ўғлининг ҳоки Беларусь, Украина, Россия, Польша жанггоҳларида қолиб кетди. Навбатма-навбат келган беш қорахат момонинг қаддини букди, аммо иродасини синдира олмади...**

«Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яксон қилиб ташлайдиган бундай оғир зарбага чидаш мумкинми? – деб қайд этди Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу хусусда сўз юритар экан. – Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чексиз кулфатга бардош бера олди».

...Кеча фарзандларим, набираларим билан бу матонат ҳақида суратга олинган «Илҳақ» фильмини томоша қилар эканман, бутун вужудим титраб кетди. Уруш ҳақида ўлмас асарлар ёзган Хемингуэйнинг машҳур ибораси ёдимга тушди: «Инсонни енгиб бўлмайди!».

Яқинларимга, танишларимга, ҳамкасбларимга қўнғироқ қилдим: «Илҳақ»ни кўрдингизми? Бу фильмни албатта кўринглар!».

Ҳа, менимча бу фильмни ҳамма кўриши зарур!

Айниқса... Бугун арзимаган етишмовчиликдан оламшумул муаммо ясаб, айюҳаннос соладиган ношукур ва қаноатсизлар кўриши керак!

Пана-пастқамда, интернет пучмоқларида халқимиз ҳақида, бугунги турмушимиз хусусида ғийбат, фисқу фасод, ваҳима тарқатаётган олчоқларнинг юзига тарсаки бўлади бу фильм...

Улуғ сиймолар акс этган ҳайкаллар ёнида майнабозчилик қилаётган муттаҳам лўттибозлар кўзларини каттароқ очиб кўриши керак буни!

Айни синов кунларида оёғини қўлига олганича дўконларга югуриб, тонналаб ун, ёғ, картошка ғамлаб олган худбинлар кўришсин!

Эл тинчлиги, саломатлиги, хавфсизлиги йўлида ўз ҳаловатидан кечиб, азиз жонини, оиласининг хотиржамлигини гаровга қўйиб, кечаю кундуз тиним билмаётган фидойиларни беҳурмат қилаётганларнинг моғор босган онгу шуурига ҳам нур олиб киришга қодир бу киноасар...

Ёшлигимдан уруш киноларини қизиқиб кўрганман. Бола эдик, ҳали Собир Раҳимов, ҳали Қудрат Суюнов бўлиб, қаҳрамонлик кўрсатгимиз келарди. Улғайгач, англаб етдимки, қаҳрамонлик фақат жанггоҳларда душман ўқига кўксини қалқон қилибгина кўрсатилмас экан. Касбингни ҳалоллаб, ўз вазифангни виждонан бажарсанг, шунинг ортидан одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин, мушкулини осон қилсанг, дардига дармон бўла олсанг, бунинг ўзи ҳам катта жасорат экан.

Шундай эмасми? Мана, пандемияга қарши курашилаётган айни кунларда неча ойлаб оиласи бағрига қайтмасдан, беморларга парвона бўлаётган шифокорлар, одамларимиз хавфсизлигини таъминлаётган ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари, миллий гвардия, ҳарбийларнинг фидойиликларини фронтдаги жасоратдан қандай ками бор?

Уруш пайтида борини фронтга берган бағрикенг халқнинг олийҳиммат авлодлари бугун хасталик хуружидан, бўрону тошқиндан талофат кўрган биродарларига қандай ҳиммат кўрсатаётганига бир қаранг!

«Ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган», – деди давлатимиз раҳбари. Мана шундай матонатли халқнинг зурриётларимиз! Бугун ота-боболаримиз, оналаримиз, момоларимиз йўлида жон олиб, жон берган тинчлигимизни асраш учун ҳеч бўлмаганда уч юздан биримиз жонфидо бўла олаяпмизми?!

«Илҳақ»даги бир лавҳада фашист зобити Зулфия момонинг ўғлидан: «Сен нима учун урушаяпсан? Жонингни тикканинг Сталин шунга арзийдими?», – деб сўраганида у мардонавор туриб, «Оилам, болаларим учун урушаяпман!», деб жавоб берди.

Ҳеч биримизга сир эмас, бугун дунё қалқиб турибди. Аввало оламни зир титратган пандемия, сўнг давлатлараро кучайиб бораётган зиддиятлар, манфаатлар тўқнашуви, гегемонлик тажовузи, «сен зўрми, мен зўрми» қабилидаги курашлар, ахборот хуружи, терроризм, диний экстремизм балоси, одам савдоси, гиёҳвандлик сингари офатлар... Буларнинг ҳар бири – улкан фронт эмасми? Бу фронтда ўша мард аскар сингари оиламиз учун, болаларимиз учун фидойилик кўрсата оламизми? Улар тинчликка, осойишталикка, соғлиққа, фаровонликка, меҳр-оқибатга, эзгуликка ҳеч қачон илҳақ бўлмаслиги учун нималар қилаяпмиз?

«Илҳақ» фильми ва Зулфия момонинг матонати мени шулар хусусида чуқурроқ ўйлаб кўришга ундади.

Сизни-чи?!

**Дониёр ТУРСУНОВ,**
**Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият), 71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-553.
2143 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 23.50. Топширилди – 00.40.

1 2 3 4 5 6